

Қадриятларини боқий бўлсин, Наврўз!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



Ўзбекистон Овози

№11

2025-йил

19-mart, chorshanba

1918-йил

21-iyundan chiqqa boshlagan



Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz



СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

ПРАГМАТИК ТАШҚИ СИЁСАТ – ТИНЧЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 март кунни Францияга давлат ташрифи доирасида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Одри Азулени қабул қилди.



БМТ тизимидаги ушбу нуфузли тузилма билан самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, жорий йилнинг кузига Самарқанд шаҳрида ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Кўп қиррали шериклик бугунги кунда юксак даражада экани мамнуният билан қайд этилди. Яна бир муҳим масала, Ўзбекистон ташаббуси билан ахборотдан фойдаланиш ва болалар таълими масалалари бўйича резолюциялар қабул қилинди.

Мамлакатимиз Маданий бойликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро марказга аъзо бўлди. Бухоро "Креатив шаҳарлар тармоғи"га қўшилди. Самарқанддаги Ипак йўли университетида ЮНЕСКО кафедраси очилди. Ўтган йили таълим, маданият, рақамли ва инновацион технологиялар соҳаларида 7 та янги лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Турон чўллари ва Зарафшон-Қорақум йўлаги, ипакчилик, кулолчилик, рубоб чалиш ва ифторлик анъаналари, "Бухоро амири девонхонаси архиви", "Туркистон альбоми", "Худойберган Девоннов фотоальбоми" ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатларига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд шаҳрида бўлажак Бош конференциянинг 43-сессияси сўнгги 40 йил ичида биринчи марта ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги қароргоҳидан бошқа жойда ўтказилади. Бу воқеа ташкилотнинг 80 йиллигига тўғри келади.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистон билан сермаҳсул ҳамкорликни юксак баҳолаб, бўлажак тадбирга кенг қўламли тайёргарлик кўрилаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Амалий ҳамкорлик дастурларини янада кенгайтириш, шунингдек, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасидаги форум ва тадбирларни ташкил этиш бўйича яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Бу ишларнинг барчаси, айтиш керакки, жаҳон ҳамжамиятининг юртимизга эътибори ва ишончидан далолат беради. Давлатлараро муносабатлар ривожини халқлар ўртасидаги дўстликка, минтақада тинчликни сақлашга ва прагматик ташқи сиёсат юритишга асос бўлади.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон ХДП аъзоси.

"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ":

АҲОЛИ БИЛАН «ХОНАДОНБАЙ» ИШЛАШДА САМАРАЛИ ЁНДАШУВ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган "маҳалла банкири" тизими аҳоли манфаатларини самарали қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий фаолликни оширишни янги босқичга олиб чиқди. "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан Фарғона вилоятидаги "маҳалла банкир"лари фаолияти ҳамда уларнинг лойиҳалари билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган пресс-тур давомида бунга яна бир бор амин бўлдик.

ЭЗГУЛИК ТАНТАНАСИ

Навбахор насимида қиш уйқусидан уйғонган дарахтлар, қуёш тафтида эркаланиб юз очган гул-у чечаклар, ниш урган майсалар, қушларнинг чуғур-чуғури... Айни шу палладан табиат моҳир мусаввир каби бутун борлиққа ажиб тароват бахш этишга киришади. Бу уйғониш фаслига уйғун ҳолда инсон ички олами ҳам гўё қайтадан янгиланади, энг покиза, эзгу туйғулар қалбларда жўш уради. Жамиятда тенглик, ҳамжиҳатлик, тотувлик тантана қилади.

Ҳар баҳор бу кунни ўзгача интиқлик, соғинч ва энтиқиш билан қарши оламиз. Буюк мутафаккир, шеърят мулкининг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоий бежиз "Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун Наврўз", дея лутф қилмаган.

3

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: АНИҚ ТАКЛИФЛАР ВА ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ижтимоий масалаларни кенг қамраб олган. Партия жамиятда ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсатни амалга ошириш ташаббусини илгари суради.

Партиянинг парламентдаги вакиллари ҳам, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ҳам айни шу мақсад йўлида фаолият олиб боради. Жорий ҳафта бошида бўлиб ўтган фракция йиғилишида ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида бу принцип яна бир бор амалий ифодасини топди. Депутатлар ижтимоий ҳимоя масалаларида аниқ таклиф ва қатъий позиция билдирди.

2

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ХАЙР-САХОВАТ АЙЁМИ

Миллий қадриятларимизнинг олий намуналаридан бири бўлган Наврўзи олам бу йил ҳам ўзгача шукҳ билан кўтиб олинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 февралдаги "2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори баҳорий байрамга ҳозирлик кўриш ҳамда хайр-у саховат ишларига янги руҳ ва янги мазмун бағишламоқда.



НАВРЎЗ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 300 миллионга яқин одам Наврўз кунни дастурхон ёзади. Бу кунни қаршилайдиган ҳар бир мамлакатда ўзига хос анъаналар мавжуд.

4

СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ИККИ ТОМОНЛАМА
МУНОСАБАТЛАРДА
ЮКСАЛИШ ДАВРИ

Мамлакатимиз Президентининг Францияга тарихий давлат ташрифи жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини тортиди. Зеро, Ўзбекистон ва Франция ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича кейинги йилларда мисли кўрилмаган натижаларга эришилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланиб, турли соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилётгани кўплаб мамлакатлар матбуотида кенг ёритилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Президентининг Францияга давлат ташрифи олдидан "London Post" нашрида эълон қилинган мақолада икки давлат ўртасидаги яқин муносабатлар, иқтисодий, сиёсат соҳасидаги лойиҳаларни ва гуманитар ташаббусларни амалга оширишда муҳим стратегик шериклиги ҳақида сўз боради.

Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистон ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида 2025 йилгача мўлжалланган янги Стратегик ҳамкорлик дастури имзоланган бўлиб, умумий бюджети 1 миллиард евродан ошган дастур доирасида қишлоқ хўжалиги, энергетика, яшил иқтисодиёт, шаҳарсозлик, сув таъминоти, банк-молия сектори, транспорт тармоқларида самарали лойиҳалар татбиқ қилинмоқда.

Франция бизнесининг иштироки республикамиз иқтисодиётининг коммунал хўжалик (Veolia, Suez, Eiffage), энергетика, жумладан, "яшил" энергетика (EDF, Total Eren, Voltalia, Orano), озиқ-овқат sanoati (Lactalis) каби муҳим соҳаларида сезиларли даражада ошди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматларо комиссия ва Ўзбекистон - Франция Савдо палатаси икки томонлама алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим механизмлари ҳисобланади.

Шунингдек, маданий-гуманитар соҳалардаги яқин алоқалар ҳам фаол кенгаймоқда. Сўнги етти йилда туризм, археология, дизайн, мода, лингвистика, таълим, бизнес-менеджмент, соғлиқни сақлаш ва спорт каби йўналишларда 50 дан ортиқ келишувлар имзолангани бунга мисолдир. Бундай келишувлар натижасини Ўзбекистонга келаётган франциялик сайёҳлар сони йилига 20 минг кишига яқинлашганида ҳам кўриш мумкин.

Яна бир эътиборга лойиқ жиҳати, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида Франция парламенти билан ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, ўз навбатида Франция Сенатида ҳам "Франция - Марказий Осиё" парламентларо гуруҳи, қуйи палата - Миллий ассамблеяда эса "Франция - Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи фаолият юритмоқда.

Албатта, олий даражадаги учрашувлар Ўзбекистон ва Франция ҳамкорлигини янги поғонага олиб чиқмоқда. Ушбу ҳамкорлик сиёсий ва дипломатик мулоқот ҳамда савдо-инвестициявий, иқтисодий шериклики ривожлантиришда, таълим, фан соҳаларидаги ўзаро алмашинуви мустаҳкамлашда янада кенг истиқболларни очади.

Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ СТРАТЕГИК
ҲАМКОРГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон ва Франция ўртасида 1992 йил март ойда дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлса, кейинги йилларда кенг қулоқ ёйди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил Францияга амалга оширган расмий ташрифи ўзаро муносабатларнинг янги босқичини бошлаб берган бўлса, давлатимиз раҳбарининг 2022 йилдаги ташрифи олий даражадаги учрашув ва музокараларга бой бўлди. 2023 йилда Франция Президенти Эммануэль Макроннинг мамлакатимизга ташрифи барча соҳалардаги сиёсий мулоқот ва ҳамкорликни изчил ривожлантиришга янги суръат бағишлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган тараққиёт стратегиясининг Франция раҳбарининг ислохотлар дастури билан яқинлиги, йирик халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда икки давлат ёндашувларининг ўхшашлиги ўзаро муносабатларнинг ривожланиб боришига замин бўлди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан конструктив ва яхши қўшничилик муносабатларига эришишга қаратилган минтақавий сиёсати Франция ташқи сиёсатининг Марказий Осиё йўналишидаги интилишларига ижобий таъсир кўрсатадиган мутлақо бошқа минтақавий муҳитни яратди. Юқори даражадаги алоқалар ҳам янги ўсувчанлик касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи чин маънода янги тарих яратди, де-

сак тўғри бўлади. Париж шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида икки мамлакат етакчилари Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилди.

Давлат раҳбарлари ҳузурда Мутахассислар ва талабалар ҳаракатчанлиги тўғрисидаги ҳукуматларо битим, Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистонда 6,5 миллиард евролик истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи Инвестиция ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлик дастури алмашилди. Ўзбекистон - Франция университетини ташкил этиш тўғрисида ҳукуматларо битим, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация, мусиқа, кино ва театр соҳаларида ҳамкорлик тўғри-

сида тасдиқланган декларациялар нафақат давлатлар, айти пайтда халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик ришталарининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон - Франция» дўстлик гуруҳлари фаол фаолият кўрсатмоқда. Икки давлат парламентлари аъзолари ўзаро ташрифлар алмасуви доирасида парламентларо мулоқотни чуқурлаштириш истиқболларини мунтазам муҳокама қилаятилар. Ўзбекистон ва Франция БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳам шериклар ҳисобланади.

Париж шаҳрида соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, маданият, туризм ва бизнес соҳаларида форум ва анжуманлар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси Ғарбдаги асосий ҳамкорларимиздан бири - Франциянинг юртимизга билдираётган юксак ишончини кўрсатади. Президентимизнинг давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни стратегик даражага кўтариш учун мустаҳкам замин яратди.

Анваржон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ:
АНИҚ ТАКЛИФЛАР ВА
ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда)

БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ
АХБОРОТ БЕРДИ

Мажлисида дастлаб Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Махаматованинг оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш борасида қилинаётган ишларга доир ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оила институтини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кўмаклашиш, гендер тенгликни таъминлаш борасида тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Фаол ислохотлар натижасида аёлларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35, тадбиркорлик соҳасида 45, сиёсий партиялар таркибига эса 49 фоизга етди. Ҳисобот даврида олий таълим муассасаларида тахсил олаётган хотин-қизларнинг улуши 52,2 фоизни ташкил этди.

Олийгоҳларда, техникум ва коллежларда 2022–2024 йиллар давомида 397 минг нафар хотин-қизга 4 трлн 298 млн 400 минг сўм миқдорда 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитлари ажратилди. Қўмита тавсияномаси билан давлат гранти асосида 8 минг 653 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз ОТМга ўқишга қабул қилинди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик гоёларини амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Бу борада республика бўйича 6 та туман тажрибаси омаллаштирилган. Хонадонларда учтадан ортиқ даромад манбаларини яратиш бўйича Сайхунобод, хунармандчиликни ривожлантириш орқали Жондор, хонадонда молиявий пакетларни жорий қилиш бўйича Нишон, Шофир-

кон, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган кооперациялар ташкил этиш борасида Бағдод, каштачилик мактаби ва қўй жунини қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича Шахрисабз тажрибаси шулар жумласидандир.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисида депутатлар амалий ишларни эътироф этиб, оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш, хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар берди. Кун тартибидеги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишича олиниб, парламент эшитуви якуни бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР
САБАБ ДОРИЛАРНИ
ЕТКАЗИШДА УЗИЛИШЛАР БОР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида дастлаб "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларининг ногиронлиги бор шахсларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти, ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари жойлардаги ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида саволлар, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Депутат Қизилгул Қосимова "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари партия электорати манфаатлари ҳимоясини куचाйтириш йўлида катта ислохот бўлганини таъкидлади ва Оҳангарон тумани мисолида бу борадаги таҳлилларга тўхталиб ўтди.

Албатта, айрим камчиликлардан кўз юмиб бўлмайти. Мисол учун, ногиронлиги бор шахсларга кам миқдорда олинмаган дори-дармон воситаларининг тендер орқали реализация қилиниши белгиланган. Бирок турли бюрократик тўсиқлар сабаб тендер қўйилишида кечикишлар кузатилмоқда, одамларга дориларни вақтида етказиб

беришнинг имкони бўлмапти. Депутатга кўра, бу борадаги механизмни қайта кўриб чиқиш керак.

Шунингдек, ижтимоий муассасаларда беморларнинг сони меъёридан кўп. Навбатда турганлар ҳам оз эмас. Даволаниб бўлган, кимсасиз шахсларни ижтимоий уйларга жойлаштириш орқали бу борада вазиятни енгилаштириш мумкинлиги ҳамда хизмат кўрсатишга масъул ходимларнинг иш ҳақи масаласи юзасидан фикрлар билдирилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг масъуллари бу борада ўз муносабатини баён этди. Қайд этилишича, техник ходимларнинг ойлик маошини белгилаш тизимини аусорсингга ўтказиш режалаштирилган. Ногиронлиги бўлган шахсларга техник хизмат кўрсатадиган ходимларнинг ойлиги жорий йилда қайта кўриб чиқилган бўлиб, муассасадаги беморлар сонига қараб белгилаш тартиби жорий этилган.

Тартибга кўра, "Саховат" ва "Муруват" уйларида ўзгалар ёрдамига муҳтож шахслар жойлаштирилади. Аммо ўзгалар парваршига муҳтож бўлмаган, уйсиз шахслар ҳам ушбу марказларга олиб келинган. Натижада бу муассасаларда доволанаётганлар ва навбат кутаётганлар сони кўпайиб кетган.

Агентлик масъулларининг таъкидлашича, ижтимоий уйлار масаласида ҳам муаммолар бор. Ўзбекистонда 509 та ижтимоий уй-жой бўлиб, уларда 10 мингта хонадон бор. Ҳозирда бу хонадонларнинг 9 минг 600 таси банд, талаб камлиги, узоқ масофада жойлашгани ва таъмиртаъаблиги боис 400 таси бўш ҳолатда. Айни пайтда ижтимоий уйларга жойлаштириш тартиби тўғри эмаслиги қайд этилди. Сабаби, 9 тоифадаги фуқаролар ижтимоий уйга жойлаштирилиши кўрсатилган бўлиб, одамларнинг иқтисодий ҳолати инobatга олинмаган. Натижада айни пайтда 500 га яқин хонадондан бошқа мақсадда фойдаланилмоқда. Масалан, ўз хонадонини ижарага бериб қўйиб, ижтимоий уйда яшаётганлар ёки дўкон сифатида ишлатаётганлар ҳам бор. Кимлардир эса

бошқа давлатга ишлаш учун кетган, аммо ўз буюмларини қўйиш учун жой қилиб олган.

Фракция аъзоси Ирина Токарева Тошкент шаҳри мисолида "ижтимоий карта"ларни олиш ва улардан фойдаланиш бўйича тарғибот-ўтилаётган ишлари етарли даражада эмаслигини қайд этди. Мутасаддилар ушбу масалалар бўйича аниқ маълумотлар етказишга ваъда берди.

Фракция раҳбари Улуғбек Иноятлов Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ижтимоий ҳимоя агентлиги ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш режалаштирилганини, шунингдек, депутатлар ва агентлик ходимлари биргаликда ўрганишлар ташкил этиши, доимий мулоқот кераклигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Фракция аъзоси Имомназар Турсунов аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда шахсларнинг (оила) иқтисодий ҳолатини аниқлашда бўшлиқлар мавжудлиги, хусусан, ижтимоий ёрдам ёки хизмат олиш учун мурожаат қилган шахсларнинг (оила) тижорат банкларидаги омонатлари, пул ўтказмалари бўйича (маблағ қабул қилиш ёки жўнатиш) маълумотлари ва ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблағларини ўрганиш эҳтиёжи юзига келаётганини урғулади.

Мутасаддилар ушбу масалалар ечимини назарда тутилаётгани, "ижтимоий карта" тизимини йўлга қўйишга доир янгича ёндашувларга ўтилаётганини айтишди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



Қадриятларини боқий бўлсин, Наврўз!



ЭЗГУЛИК ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Байрамлар азал-азалдан ҳар ўлканинг, ҳар миллатнинг маданиятини, анъана ва қадриятларини, орзу-умидлари ва турмуш тарзини ўзида мужассас этади. 3 минг йилдан ортиқ тарихга эга Наврўз халқимиз асрлар давомида катта шодиёна ва хурсандчилик билан нишонлаб, ардоқлаб келаётган байрамлар сирасига қиради.

Юнон олими Страбон (милоддан аввалги 63/64 йилда туғилган)нинг ёзишича, икки дарё оралғида яшаган қадимги аждодларимиз Наврўз куни оташқада, яъни, оловга топинадиган ибодатхоналарда тўпланишган ва йилбошини 12 кун давомида нишонлаган. Байрамда ҳар бир кишининг елкасига офтоб нури тушиши йил бўйи тўқин-сочин, баракали ҳаёт кечиршидан дарак беради, деб қаралган. Байрам тантаналари экин-тин юмушларининг бошланиши билан ўз ниҳоясига етган.

Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида ҳам Наврўз ўлка-мизда бир неча минг йил давомида узлуксиз нишонланиб келинаётганини тасдиқлайдиган муҳим далиллар бор.

Маълумки, Наврўз шарқ халқларининг энг қадимий ва умрбоқий байрами ҳисобланади. Тарихий манбаларда, жумладан, буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг "Осорул-боқия" (Қадимги халқлардан қолган ёлгорликлар), Махмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Умар Ҳайёмнинг "Наврўзнама" асарларида Наврўзни азалдан Турон замин халқлари катта шодиёна билан нишонлаганлари алоҳида қайд этилган.

Инсоният тамаддунининг қадимги бешикларидан саналган Месопотамияда ҳам бундан минг йиллар аввал йилбоши катта байрам сифатида нишонлангани қадимги шумер манбаларида ўз аксини топган. Айрим тахминларга кўра, шумерликлар икклимдаги ўзгаришлар сабаб шимолий минтақалардан Яқин Шарқ томонга кўчиб борган қадимги туркийлар авлоди саналади. Қадимги шумер манбаларида 300 дан ортиқ туркий тиллардаги сўзлар аниқлангани ҳам тасдиқ бўлмас керак.

Махмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асарида ўрин олган Қиш ва Ёз мунозарасида ҳам айнан баҳорги тенг кунлик назарда тутилган. Асосан туркий халқлар, шунингдек, хитой, мўғул ва бошқа Шарқ халқларида кенг қўлланганидан мучал тақвида йиллар айнан баҳорги тенг кунликдан бошлаб янгиланади.

Англаш мумкинки, Наврўз байрамининг пайдо бўлиши қуёшнинг Ҳамал буржига кириши, тун ва куннинг тенглашуви каби қатор табиат ўзгаришлари билан боғлиқ. Бу эса мазкур байрам чуқур астрономик илмий асосларга эга эканини билдиради.

Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрами сифатида 1990 йилдан бошлаб расман кенг нишонланиб келинади. Мазкур байрам 2009 йил 30 сентябрда инсоният маданий меросининг ажралмас қисми сифатида ЮНЕСКО томонидан умумжаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. 2010 йилнинг 19 февраль куни БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида 21 март — "Халқаро Наврўз куни", деб эълон қилинди ҳамда бу байрам турли халқлар ўртасидаги маданий алоқалар ва ўзаро ҳамжиҳатликни



рағбатлантириш, кўни-қўшничилик муносабатларини, дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга экани эътироф этилди.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда Наврўз, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзининг ўлмас руҳи, умуминсоний ғоялари билан башариат ҳаётидан тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Келинг, шу ўринда мазкур айёмнинг юртимиз ва минтақамизда қандай нишонланишига доир қизиқарли маълумотлар билан танишсак.

ОРОЛБЎЙИДА НАВРЎЗ

Оролбўйи халқлари, хусусан, қорақалпоқлар ҳам Наврўз (Наурыз) байрамини баҳорги тенг кунлик, тўқин-сочинлик, бахт-у саодат, эзгу орзу-умидлар рамзи сифатида ардоқлаб келадилар.

Наврўз кириши билан Оролбўйи деҳқонлари яхши ниятлар билан ерга уруғ қадайдилар, боғбонлар кўчат ўтказишади. От чоптириш, кўпқари, кураш, кўчқор уриштириш сингари халқ ўйинлари ҳар йилги Наврўз тантаналарига айрича жўшқинлик бахш этади. Араз-гиналар унутилади, муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатилади. Бахши-жировлар дўмбира чертиб, бархаёт дostonлар, ўлан ва лапарларни куйга солидилар. Дошқозонларда сумалаклар қайнайди. Қорақалпоқларнинг сеvimли байрам таомларидан яна бири "Наврўз гўжаси", деб аталади. Бу таом етти хил дондан тайёрланади. Ҳар бир хонадонда ана шундай таом пиширилади ва кўни-қўшнларга, овулдошларга тарқатилади. Кишилар, айниқса, қариялар "Наврўз гўжаси"дан тотиб, йилнинг баракотли бўлишини тилайдилар.

"ОЛТИ БАҚАН", "ҚИЗ ҚУУ"...

Қозоқларда ҳам Наврўз (наурыз) билан боғлиқ ана шундай анъаналар, урф-одатлар кўп. Хусусан, қозоқлар байрам арафасида биринчи бўлиб учиб келадиган қушни "Наврўзқўк", биринчи бўлиб очилдиган гулни "Наврўзчечак" деб номлашган. Қадимда қозоқларда Наврўз тантаналари 3-9 кунлаб давом этган. Бўйи етган қизлар бу куни йигитларга атаб "Уйқи ошар" деган лаззатли таом пиширадилар. Йигитлар эса уларга турли-туман байрам совғалари тортиқ қиладилар. Қариялар ёшларнинг бахт-у иқболни тилаб, хайрли

дуолар қиладилар.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган қозоқ миллатига мансуб минглаб юртдошларимиз бу санани кўтаринки кайфиятда, шод-хуррамлик билан қарши олади. Турли-туман халқ ўйинлари, спорт мусобақалари ташкил этилади. "Олти бақан", "Қиз қуу" мусобақалари, айниқса, катта-ю кичикда бирдек қизиқиш уйғотади. Шу куни дошқозонларда бешбармоқ, сумалак, паловхонтўралар пиширилиб, дастурхонларга тортилади. Катталар кичиктойларни от ва туяларда сайр қилдиришади.

КЎКАРМАГАН ГИЁҲЛАР КЎКАРИБ РАВОН ПАЙДО...

Наврўз (Nowruz) туркман халқининг ҳам энг қадимий, гўзал ва бетакрор байрамларидан биридир. Туркманлар азалдан Наврўзни табиат кўйида, хушманзара гўшаларда, қир-адирларда нишонлаб келишган. Момолар тайёрлаган семени – сумалак, доғрама, пишеме, палов сингари лаззатли миллий таомлар байрам дастурхонини безайди. Туркман элининг тўй-у байрамларини от – улук-кўпқари мусобақаларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мамлакат пойтахтида, вилоят ва этрап (туман) марказларида ташкил этиладиган миллий спорт ўйинларида минглаб чавандозлар, полвонлар ўз куч ва маҳоратларини намойиш этадилар. Бахшилар, оқинлар Наврўз, баҳор, тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатликни тараннум этувчи дoston, айдем, лапарларни ижро этадилар. Айниқса, тантаналарда катта-ю кичик "Қушт депди" миллий рақсига тушиб, хурсандчилик қилади. Дарахт шохларига осилган ҳалинчақлар хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тимсоли ҳисобланади. Айниқса, йигит-қизлар байрам аргимчоқларида учиб, ўзларига омад, бахт сўрайдилар. Деҳқонлар оқсоқол – ёшуллилардан дуо олиб, кўкламги ишларни бошлайдилар.

Наврўзнинг умрбоқийлиги, бетакрорлиги туркман халқ оғзаки ижодида, мутоз адабиётида ҳам ўз ифодасини топган. Буюк туркман шоири Махтумқули бу ҳақида шундай нафис мисраларни битган:

Келди наврўз оламга, ранг қилар жаҳон пайдо, Булутлар овоз уриб, тоғ қилар туман пайдо, Бежонлар жон кириб, этарлар даҳон пайдо, Кўкармаган гиёҳлар кўкариб равон пайдо...

ЙИЛДА БИР НАВРЎЗ ЎЛУР

Туркий адабиётнинг мутоз вакилларида яна бири, буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг дилбар ғазалларида ҳам Наврўзи олам вафсини учратамиз.

Ҳар кун очар гўнгулми завқи висолинг янгидан, Гарчи гуллар очмага ҳар йилда бир Наврўз ўлур.

Наврўз қадим-қадимдан озар қардошларимизнинг сеvimли байрами бўлиб келган. Бу юртда Наврўз таратди, у билан боғлиқ тадбирлар анча эрта бошланади. Қиш чилласи чиқши билан ўтказиладиган «Хизр Наби» маросими шулар жумласидандир.

Наврўзга бир ой қолганда озарбайжонлар ҳафтанинг ҳар чоршанба куни гулхан ёқиб, унинг атрофида ўйин-кулги қилишади. Байрамолди сўнгги чоршанбасида ёш-у қари олов устидан ҳатлаб ўтади. Ҳатто уй ҳайвонларини ҳам ёниб турган олов устидан олиб ўтишади. Халқ ақидаларига кўра, шу тариха ҳар бир кишининг дард-аламла-

ри, ташвишлари шу оловда ёниб кул бўлади. Марҳумлар ёдга олиниб, уларнинг руҳи шод этилади.

Байрам кунлари халқ қизиқчилари – «кал» ва «кўса»лар елкаларига хуржун осиб, миллий кийимларда овул ва маҳалларда, қишлоқ ва гузарларда ичакузди хангомалар айтиб беришади, турли кул-гли томошалар кўрсатишади. Томошабинлар уларни ўз ҳимматиға яраша сийлайди. Байрам сайилларида ошиқлар – озар бахшилари даврада чордана қуриб, соз чалиб, халқ дostonларидан ўқийдилар. Кичикинтойлар ҳовлима-ҳовли юриб, девор оша бошқийим – папоқларини иргитадилар. Уй эгаси эса болаларнинг папоғини ширинлик, қанд-қурсга тўлдириб қайтаради.

МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР

Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиёда истиқомат қилувчи форсийзабон халқларда Наврўз билан боғлиқ турли-туман маросимлар, урф-одатлар ҳозиргача сақлаб қолинган. Масалан, афғонлар «ҳафт син» яъни син (с) ҳарфи билан бошланувчи етти хил таом тайёрлаб дастурхонга тортадилар.

Наврўз билан боғлиқ кўшиқлар, байт-у ғазалларни халқ оғзаки ижодида кўплай учратиш мумкин:

Наврўз шуду лолайи хушранг баромад, Булбул ба тамошойи дафу чанг баромад, Мурғони ҳаво жумла бикарданд, чу парвоз, Мурғи дили мо аз қафаси танг баромад.

(Наврўз келиб, қирмизи лолалар очилди, булбуллар даф ва чанг каби чолғулар навосини томоша қилгани келишиди. Ҳаво қушлари кенг самога парвоз қилганидек, бизнинг кўнглимиз қушлари ҳам тор қафасидан учиб чиқди).

Қардош халқлар ҳаётида Наврўзи олам билан боғлиқ ўхшаш ва ўзига ҳос жиҳатлар ҳақида кўп ва муфассал гапириш мумкин. Бу муштарак қадриятлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатликнинг азалий ва абадий эканидан ҳам ёрқин далолатдир.

ОЛИЖАНОБ ҒОЯГА ҲАМОҲАНГ

Шу кунларда халқимиз шарқона янги йил бошланганидан кутлуғ сана – Наврўзи оламни янги умид ва янги озулар билан қарши олмақда. Зеро, бу мунаввар айём кейинги йилларда Ватанимизда амалга оширилаётган «Инсон қадрини учун, инсон бахти учун» деган олижаноб ғояга ҳамоҳанг бўлиб, том маънода умумхалқ байрамга айланганда ҳамда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг нишонланмоқда. Ушбу фалсафасидаги инсонпарварлик, одамзотни бутун борлиқнинг гултожи сифатида эъзозлаш, она замин ва табиатни асраб-авайлаш тамойиллари бугунги кунда ҳаётимизда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг "2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамини тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан ушбу айём мамлакатимиз бўйлаб "Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!" деган бош ғоя асосида халқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонланади. Байрам олдидан, қолаверса, муқаддас Рамазон ойи руҳидан келиб чиқиб, айни кунларда кекса авлод вакиллари йўқлаш, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшаётган ҳамюртларимизнинг ҳолидан хабар олиб, турли хайрия тадбирларини ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашар йўли билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари қизгин давом этмоқда.

Доимий анъанага айланган бу Наврўз олдидан тадбирлари, шубҳасиз, ҳамжиҳатлик, оқибат, меҳнатсеварлик ва тинчликсеварлик муҳитини сайқаллаштириб, ўсиб келаётган авлод қалбига эзгулик, она заминга, табиатга меҳр туйғуларини камол топтиришга хизмат қилади.

Наврўз миллий ва умуминсоний қадриятлари билан халқимиз ҳаётида ҳамшиша бекиёс ўрин тутуди, асрлар оша шакллانган урф-одат ва анъаналаримизни келажак авлодга етказишда кўприк вазифасини ўтади. Бу айёмнинг бебаҳо қадр-қиммати ҳам мана шунда аслида.

Рустам ЖАБОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.





МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ХАЙР-САХОВАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

–Айни дамда юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир хонадонда кўклам юмушлари қаторида Наврўз билан боғлиқ анъаналар, байрамона тадбирлар қизил бошлаб юборилган. Водийларда, воҳаларда сайиллар ташкил этилмоқда. Опа-сингилларимиз “илик узилди” паллада танга мадор бўлгучи сумалак, ҳалим, кўк сомсалар каби миллий таомларни тортиқ этишса, йигитларимиз теварак-атрофни обод қилиш, кўчат ўтқозиш, экин-тикин юмушлари билан банд бўлади. Энг муҳими, байрам баҳонасида меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкам илдиз отади. Баҳорга, Наврўзга етказганига шукроналик туйғуси кўнгиллардан кўнгилларга кўчади.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

– Наврўз одамни, оламни эзгуликка чорлайдиган кун сифатида ҳам азиз ва қадрли. Эзгулик, муҳаббат, хайр-саховат, мурувват, шафқат ва шафоат, янгиланиш ва яшариш айёми қалбларга сурур, олам-олам қувонч ва янги-янги орзу-ҳаваслар бахш этади.

Бу байрам шарқона йилнинг биринчи кунни, янги фасл ва деҳқончиликнинг дебوحаси сифатида нишонланади. Бу кунларда одамлар бир-бири билан дийдорлашади, совғалар ҳадя қилади, қариялар, касалманд, меҳрга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олишади.

Бу йилги байрам тантаналари ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнига ҳамроҳанг тарзда нишонланмоқда. Табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш, ноғиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар кўнглини кўтариш, ҳашарлар уюштириш, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишларимиз Наврўз тадбирларида уланиб кетмоқда. Муборак Рамазон ойи муносабати билан хонадонларда хайр-саховат йўлида ёзилаётган ифторлик дастурхонлари фоят файзли бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу айём инсонларни эзгуликка ундайди. Борлиқнинг янгиланиши, яшариши инсонни меҳнат қилиб, ризқ-рўз яратишга даъват қилади.

Халқ демократик партиясининг кўп минг сонли аъзолари, фаоллар ва депутатларимиз ҳам Наврўз олдидан хайрли тадбирларда иштирок этиб, эзгу ташаббусларга бош кўшишмоқда. Фаолларимиз айём арафасида ҳашарга чиқиб, кўча-кўйларни обод қилиш, қабристонлар, зиёратгоҳларни тартибга келтириш ишларида намуна кўрсатишмоқда. Турфа хил гул ва дарахт кўчатлари ўтқозишиб, янги боғлар яратишмоқда. Кексаларни ҳар томонлама эъозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш, турли хайрия тадбирлари ҳам партияимиз вакилларининг диққат марказида турибди.

ҚУВОНЧ ВА МЕҲР УЛАШАЙЛИК

Ҳар йили Наврўз байрами олдидан ЎзХДП ташаббуси билан жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади, кексалар ва ноғиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олинади. Анъанага кўра, бу



йил ҳам барча ҳудудларда “Қувонч ва меҳр улашайлик” акцияси доирасида хайр-саховат тадбирлари ўтказилмоқда.

Малика РАШИДОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим
бошлиғи:

– Эҳтиёжмандларни суяш, ёрдам қўлини чўзиш, савоб учун хайр-эҳсон қилиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан саналади.

Ижтимоий бирдамликни кучайтириш, ноғиронлиги бўлган инсонларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларга кўмак бериш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларига жамоатчилик эътиборини жалб этиш мақсадида ушбу акцияни ўтказяпмиз.

Партияимиз фаоллари ва депутатлар электоратимиз вакилларининг хонадонларига боришмоқда. Партиянинг волонтер ёшлари томонидан ҳашарлар ўтказилапти, халқ вакиллари томонидан ноғиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари ўрганилиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш орқали уларга амалий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, республикамиз бўйича «Мурувват» ва «Саховат» уйларида истиқомат қилувчи ноғиронлиги бўлган шахслар учун маданий-маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда. Зарур буюмлар, совғалар тортиқ қилинмоқда. Бунда ҳар бир вилоят, туман-шаҳар Кенгашлари депутатлари билан ҳамкорликда ушбу ижтимоий муассасаларнинг реал ҳолати, моддий-техник таъминоти, тиббий хизматлар сифатини ўрганиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

ЎзХДП Марказий Кенгаши маълумотларига кўра, ҳозирга қадар республика бўйича 9 та «Мурувват» ҳамда 3 та «Саховат» уйларида депутатлар ва ҳомийлар иштирокида хайрия тадбирлари ташкил этилди.

Тадбирларда кексаларга, ноғиронлиги бор инсонларга байрамона кайфият улашилди. Улар учун қизиқарли ўйинлар, кўнгилоҳлар чиқишлар ташкиллаштирилди. Албатта, байрам совғалари ҳам топширилди.

Юртимиз бўйлаб Наврўз тадбирлари уюшқоқлик ва кўтаринкилик билан давом этмоқда.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

НАВРЎЗ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ДУНЁДА КЎКЛАМ АНЪАНАЛАРИ

Жаҳондаги миллат ва элатларнинг ҳар бирида кўклам фасли ва янги йилга бағишланган анъана-ю урф-одатлари бор. Уларнинг барчаси ўзига хос ва жозибали. Жумладан, Хитойда янги йил айёми январь ойи охири, февраль ойи бошларига тўғри келади. Янги йилни нишонлаш “уй тозалаш”дан, эскирган буюмларни чиқариб ташлашдан бошланади. Бу қадимий юртда янги йил тантаналари “Чунь цзе” – баҳор байрамига уланиб кетади. Эраминдан аввалги иккинчи асрдан бери нишонланиб келинаётган “Чунь цзе” байрамининг мазмун-моҳияти, яъни, хонадонларда меҳмон кўтиш, меҳмонга бориш, қарияларни зиёрат қилиш, болаларни хурсанд қилиш, деҳқончилик ишларига киришиш каби ҳудди бизнинг Наврўз удумлари эслатади.

Хитойда баҳор байрамида шовқинли халқ фестиваллари ва ярмаркалари кетма-кет бир неча кун давомида ўтказилади. Шер ва аждаҳо рақслари, “қуруқлик қайиқлари”нинг доира бўлиб кўшиқ куйлашлари, ёғочёқлардаги намойишлар хурсандчилик руҳиятини янада кўтаради.

Японияда 21 март (кабиса йилларида, 20 март) баҳорги тенг кунлик «Шумбун но хи» ёки «Ҳиган но тунчи», деб номланади. Бу давлат байрами бўлиб, табиатга ва барча тирик мавжудотларга муҳаббатни ифодалайди. Шу кун кўплаб японлар ота-боболарининг қабрларига бориб, тартибга келтиради ва гуллар қўйишади. Японияда, шунингдек, баҳорнинг дастлабки кунлари сакура дарахтининг гуллаши алоҳида байрам қилинади. Боиси мамлакат аҳолиси сакура гуллари турли тушунчалар ва ғоялар

билан боғлайди. Сақуранинг гуллаши деҳқонлар асосий озиқ-овқат манбаи бўлган шол экиш вақтига тўғри келади. Шунинг билан олсак, сакура омад, фаровонлик ва мўл ҳосил рамзидир. 1873 йилгача Японияда янги йил баҳорда, сақуранинг гуллаш даврида нишонланган.

Эронликлар Наврўзни 13 кун давомида байрам қилиб нишонлайди. Аҳоли асосий вақтни хурсандчилик қилиш, қариндошлари ва дўстларини бориб кўришга бағишлайди. Ўн учинчи кунни табиат қўйнига чиқишади. Шаҳарлар олов рамзлари билан безалади, гулханлар ёқилади, фонарлар осилади ва мушакбозлик қилинади. Байрам давомида эронлик аёллар махсус маросимда қатнашади. Яъни гулхан устидан сакраб ўтадилар. Бу тадбир азалдан покланиш ва гўзаллик, саломатликка чорловни англатади. Эркаклар кизил кийимларни кийиб, юзларига кул суртишади ва шаҳар кўчаларида сайр қилишади.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида апрель ойида Лолалар фестивали бўлиб ўтади. Ингичка учли барглари бўлган кизил гуллар миллий рамз, кўп асрлик маданиятнинг бир қисмидир. Ҳар баҳорда 100 дан ортиқ навадаги миллионлаб лолалар очилади. Фестивалнинг асосий тадбирлари Эмирган боғида ташкиллаштирилади. Энг маҳоратли ландшафт дизайнерлари бутун шаҳар бўйлаб, лолалардан иборат хайратланарли композицияларни яратишади.

Бутун дунё бўйлаб баҳорий анъана ва байрамлар қандай кўриниш ҳамда қўламада нишонланмасин, Наврўз айёмидаги сингари барчанинг чеҳрасида табассум, самимият, хушнудлик кайфияти ўуриб туради.

Хуршидабону НАЗАРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАР УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

– Марказий Кенгашнинг мажлислар залига қўшимча ёритиш чироқларини ўрнатиш;
– Марказий Кенгаш биносига кириб-чиқишда автоматик юз идентификатори (Face ID) тизимида ишловчи 1 дона қурилма ўрнатиш;
– 30 дона Моноблок 24 / 23.8 FHD IPS / H610 / Intel Core i3-12100 / 8GB DDR5 / SSD 256 GB NVMe / микрофонли веб-камера / Wi-Fi 5 / Bluetooth / симсиз клавиатура и сичқонча харид қилиш;
– 15 дона кўп функцияли МФУ Canon

MF3010 принтери харид қилиш.

Тижорат таклифлари 2025 йил 3 апрель кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
100029, Ташкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар амалга ошириладиган хизматларнинг таснифларини (71) 239-19-73 телефон рақами орқали маълумот олишлари мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

“САНЪАТШУНОСЛИК ВА МАДАНИЯТШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИГА ПРОФЕССОР (1), ДОЦЕНТ (1). “ВОКАЛ” КАФЕДРАСИГА ПРОФЕССОР (1), ДОЦЕНТ (1). “ОВОЗ РЕЖИССЁРЛИГИ ВА ОПЕРАТОРЛИК МАХОРАТИ” КАФЕДРАСИГА ДОЦЕНТ (1). “САҲНА ҲАРАКАТИ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ” КАФЕДРАСИГА ДОЦЕНТ (1). “ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ” КАФЕДРАСИГА ДОЦЕНТ (1). “ФОЛЬКЛОР ВА ЭТНОГРАФИЯ” КАФЕДРАСИГА ДОЦЕНТ (1), КАТТА ЎҚИТУВЧИ (1), ЎҚИТУВЧИ (1). “ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР” КАФЕДРАСИГА КАТТА ЎҚИТУВЧИ (1). “ДРАМАТИК ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ” КАФЕДРАСИГА ЎҚИТУВЧИ (1). “ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ САНЪАТИ” КАФЕДРАСИГА ЎҚИТУВЧИ (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза
 2. Ишловчининг шахсий варақаси
 3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари
 4. Паспорт ёки ID нусхаси
 5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда)
 6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси
 7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.



МАНЗИЛ:
100164,
Ташкент ш.,
Яланғоч даҳаси,
127-“а” уй.
Телефонлар:
71-230-28-02,
71-230-28-11

«TILLO DOMOR»

TILLO
DOMOR

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*халқимизни умумхалқ байрами —
Наврўзи олам билан муборакбод этади!*

*Азал-азалдан эзгулик, миллий қадриятларимиз
рамзи бўлган бу айём юртимизга тўқинлик,
хонадонларимизга файзу барака олиб келсин!*

**ЎЗАРО МЕХР-ОҚИБАТ ҲАМИША
ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!
ОНА ЗАМИНИМИЗ САХОВАТИДАН
РИЗҚ-РЎЗИМИЗГА БАРАКА ЁФИЛАВЕРСИН!**



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

“MONOLIT LOYINA QURILISH”

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**юртимиз аҳлини яшариш ва янгиланиш айёми —
НАВРЎЗИ ОЛАМ билан қизгин қутлайди!**

*Баргана мустаҳкам саломатлик, баҳорий кайфият,
оилавий бахт-саодат ва фаровонлик пилайди.*



Хоразм вилояти

"ARXITEKTURA DAVRI"

хусусий корхонаси жамоаси

*мамлакатимиз аҳолисини
Наврўз байрами билан
муборакбод этади!*

ОСМОНИМИЗ ҲАМИША МУСАФФО, ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ ФАРОВОН БЎЛСИН!

"ХОРАЗМУО'ЛЛОЙНА" – QIDIRUV

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**ХАЛҚИМИЗНИ БАҲОР БАЙРАМИ –
НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

*Қир-адирлар, боғ-роғлар яшил либосга бурканаётган, кўктам
нафаси уфуриб турган шундай улғу айём кунларидан
қувонг ил бўйи ҳамроҳини бўлсин!*

ОНА ВАТАНИМИЗ БУНДАН-ДА ГУЛЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН!

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ

ЖАМОАСИ

**меҳнатсевар
халқимизни
гўзаллик ва яшариш
айёми— Наврўзи
олам билан
муборакбод этади.**



**БАРЧАГА МУСТАҲКАМ САЛОМАТЛИК,
ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙДИ.**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

“ЛОҲИНА ҚУРИЛИШ ЛУҲКС”

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*халқимизни **Наврўз байрами** билан
табриклайди. Янни кун қалбларимизга шод-у
хуфрамлик, элимизга кут-барока олиб келсин!*



“БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ”:

АҲОЛИ БИЛАН «ХОНАДОНБАЙ» ИШЛАШДА САМАРАЛИ ЁНДАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аслида «маҳалла банкири» банкларнинг маҳалла даражасига тушиб, одамларнинг даромадини оширадиган тизим. «Маҳалла банкири» «хонадонбай» ишлаб, ҳар бир оилага тайёр лойиҳалар ёки бизнес режалар таклиф қилади. Лойиҳанинг барча занжирида – кредит олиш, бизнес очиш, маҳсулот сотиш жараёнларида аҳолига ҳамроҳлик қилади. Содда қилиб айтганда, нолдан даромадга киргунича ўша лойиҳани қўллаб-қувватлайди.

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб Фарғона шаҳри «Сурхтепа» МФИдаги «Хайрихон Камол орзу» оилавий пойабзал ишлаб чиқариш корхонасига ташриф буюрдилар.

– Фаолиятимизни уйимизда 2022 йил бошида 20 нафар ишчи билан бошлагандик – дейди корхона раҳбари Камолдин Зокиров. – Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қурилиш ва янги техникаларни харид қилиш учун «Бизнесни ривожлантириш банки»дан имтиёзли 300 миллион сўмлик кредит олдик. Бунда «маҳалла банкири»нинг ёрдами катта бўлди. Корхонамизда бир кунда минг жуфт, 20 турдаги аёллар пойабзаллари ишлаб чиқарилмоқда. Ишчилар сони 150 нафарга етди. Уларнинг 17 нафари «Аёллар дафтари»да турса, 45 нафари олдин хорижда ишлаб қайтганлар ҳисобланади.

Узоқ йиллар олис ўлкада ишлаб қайтган, сўнг бир муддат «Хайрихон Камол орзу» корхонасида меҳнат қилган Акромжон Ғойи-

пов ҳам «маҳалла банкири» кўмагида оилавий уй-боғча очиб, ўз бизнесини бошлади.

–Аввалига «Бизнесни ривожлантириш банки» ажратган 33 миллион сўм кредит маблағига зарур жиҳозларни келтирдик, – дейди А. Ғойипов. – Болалар учун барча шароитни яратдик. Ҳозирда боғчамизда тарбияланаётган кичкинтойлар асосан «Хайрихон Камол орзу» корхонасида ишлаётган аёлларнинг фарзандларидир. Бир пайтлар мусофир юрда қийналиб юрган оддий ишчи эдим. Энди эса оилам бағридаман ва тадбиркорман.

«Сурхтепа» МФИдаги яна бир тадбиркор – Алишер Баҳромов ташкил этган туристик маскан ҳам ОАВ вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

– Хонадоним канал бўйида ва сув ёқалаб сўрилардан иборат дам олиш жойларини очганман, – дейди А. Баҳромов. – Бундан ташқари, «маҳалла банкири» кўмагида «Бизнесни ривожлантириш банки»дан 60 миллион сўм кредит олиб, маҳалладошларимиз учун 300 ўринли тўйхона ҳам қуряпмиз. Тўйхона ишга тушса, 15 нафар ёш ишли бўлади.

Фарғона шаҳрида бетон маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган «Besh bola beton» МЧЖ фаолиятини кенгайтиришда ва юздан ортиқ иш ўринларини яратишда «Бизнесни ривожлантириш банки»нинг молиявий кўмаги катта мадад бўлди. Айни пайтда кўп қаватли уй-жой қуриш билан шуғулланаётган корхона келгусида



РЕКЛАМА УРНИДА

янада катта режаларни кўзламоқда.

«Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ томонидан Фарғона вилоятида банкка бириктирилган маҳалларда «Бир контур – бир маҳсулот» тамойили асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш, аҳолининг ижарага олинган ер майдонларидан самарали фойдаланишини қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– «Бир контур – бир маҳсулот» тамойили асосида ҳудудларда тупроқ иқлим шароити, фуқароларнинг деҳқончилик маданияти, маҳсулот сотиб олувчи кластер, кооперациялар, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарнинг маҳсулот турига бўлган талаби ҳамда ички истеъмол бозори эҳтиёжидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалик экинлари жойлаштирилмоқда, – дейди Қўқон шаҳридаги «Тепалик» МФИ «маҳалла банкири» Муҳаммадjon Шокиров. – Ҳудудда уч гектар ер майдон 20 нафар фуқарога 15 сотихдан аукцион орқали узоқ муддатли ижарага берилган. Бу экин майдонларида эртапишар шолғом етиштирилмоқда, Ҳисоб-китобга кўра, ҳар бир ер эгасининг оладиган соф фойдаси бир йилда 30 миллион сўмни ташкил этади. Эртапишар шолғом апрель ойида сотиб бўлинади. Иккинчи ҳосил

– дуккакли экинлардан бўлган ловия маҳсулоти орқали 15 миллион сўм ишлаб топилса, учинчи экинга ҳам 40 кунлик дуккакли экин уруғи ерга қадалади. Бу орқали ҳам 15 миллион сўм даромад топиш мумкин. Шу тариқа ҳар бир оиланинг 15 сотих ер майдонидан жами йиллик даромади 60-70 миллион сўмга айланади. Бундан ташқари, «Бизнесни ривожлантириш банки» томонидан «Бир контур – бир маҳ-

сулот» тамойили асосида деҳқончиликни йўлга қўйган фуқароларга 60 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Худди шундай, Бувайда тумани «Жов» МФИда «Бир контур – бир маҳсулот» тамойили асосида эртапишар сабзи етиштирилган экан.

Юқоридаги икки маҳаллада аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлида қилинаётган мана шундай тизимли ишлар пресс-тур иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

Кейинги манзил Қўқон шаҳридаги «Бастом бува сиҳатгоҳи» МЧЖ бўлди. Ҳар йили ушбу масканга мамлакатимизнинг турли нуқталаридан ҳамда қўшни республикалардан минглаб инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун келади.

– Санаториймизда даволаш ишлари 2850 метр чуқурликдан олинанидан йод-бромли шифобахш сув ёрдамида амалга оширилади, – дейди МЧЖ раҳбари Шерзод Исмоилов. – Бу шифобахш сув бўғим касалликлари, бел чурраси, нерв шомоллашлари, остеохондроз, артрит, артроз, бавосил, асаб, урологик хасталикларни даволашда катта натижа беради. Бир йилда 4 ярим минг нафар беморга хизмат кўрсатамиз. Санаторий қошида қўшимча замонавий дам олиш маскани фаолиятини йўлга қўйиш учун «Бизнесни ривожлантириш банки»дан ўтган йили 3 миллиард сўм кредит олдик. Айни кунда қурилиш ишлари кетаяпти.

Журналистлар икки кун давомида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ салмоқли ҳисса қўшаётганига, татбиқ қилинаётган лойиҳалар халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётганига гувоҳ бўлишди. Аҳоли билан «хонадонбай» ишлашда эса «маҳалла банкири»лари яқин ёрдамчи бўлаётгани айни муддаодир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.





21-MART

Navro'z

BAYRAMINGIZ
MUBORAK BO'LSIN!



1254

www.brb.uz

BRB ilovasida 10 million so'mgacha
KOMISSIYASIZ o'tkazmalar

Переводы БЕЗ КОМИССИИ
до 10 млн сум в приложении BRB



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 337. 1870 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.